



## МУНОСАБАТ

Инсон зоти борки, Янги йил оқшомида янги орзу-ниятларни дилига тугади. Оиласига, юртига тинчлик, омонлик сўрайди. Яқинларига эзгу тилаклар билдиради, совға-саломлар улашади. Тонггача телефон кўнгироқлари тинмайди, миллион-миллион яхши тилакларни диллардан дилларга етказишади.

## ЯНГИ ОРЗУЛАР ВА ҲАЁТИЙ МАРРАЛАР

Юртимизда Янги йил кутишининг ўзига хос яна бир аънанаси бор. Соат миллилари тунги ўн иккига яқинлашгани сайин оила даврасидагиларнинг барчаси эътиборни телевизорга қаратади, ҳамма ҳаяжон билан мамлакатимиз Президентини табригини кутади.

Бу йил ҳам шундай бўлди, катта-ю кичик бир тан, бир жонга айланиб, Юртбошимиз табригини тинглади. Унда ўтаётган 2015 йилда эришилган ютуқлар эътироф этилди. «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган ҳаётий савол кўйилиб, босиб ўтган йўлимизга баҳо берилди.

▶ Давоми 3-бетда.

## МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОИЙ ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ МАРКАЗИ

### ЎзХДП электорат билан юзма-юз

Ўтказётган мулоқотлар тўғрисида жойлардаги муаммоларни чуқурроқ ўрганиш имкони ортмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритмоқда. Аҳолини ўйлантираётган турли ижтимоий масалаларни ҳал қилишда, одамларга меҳр ва эътибор кўрсатишда уларнинг ўрни, аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келяпти. Турли лойиҳалар, акциялар ўтказмоқда. Шулардан бири «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси бўлди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим mudiri Алишер Равшановга ушбу лойиҳа ва унинг самаралари ҳақида айрим саволлар билан муурожаат қилдик.

▶ Давоми 2-бетда.

## 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

# ЯНГИ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧАҚАЛОҒИ

«2016 йил, 1 январь, соат 00 дан 01 дақиқа ўтганда Мафтуна Султонова қиз туғди...»

Ўтган йилнинг сўнгги тунни, қиш чилласида бир кучоқ алвон атиргул кўтариб келатган Шухратжонни кўрганлар «Қайси бир бахтли инсоннинг туғилган куни экан, табриклашга кетаётган бўлса керак», деб ўйлашди.

У эса ҳеч кимнинг нигоҳини пайқамас, Фарғонада ҳаммага таниш бўлган туғуруқ уйи — перинатал маркази томон шошилиб борарди. Бир соатча илгари жуфти ҳалол Мафтунахонни шошилиш равишида бу ерга олиб келганди.

— Янги йилни янги меҳмон билан кутар экансиз-да, — деди доялардан бири.

— Худо хоҳласа, — деди у.

Вақт ярим тунга яқинлашган бўлишига қарамай, шаҳарликлар ҳаммаси кўчада. Безатилган чарогон хибонларда ўйин-кулгу. Шухратжон уйдан туғуруқ учун керакли нарсаларни олиб, тезда ортага қайтар экан тунги гул дўконига кирди.

— Атиргулларнинг барчасини сотиб оламан.

— Ўғлим, бунининг пулини тўлайсиз, буниси эса, — сотувчи бир дастасини ажратиб кўрсатди, — сизга Янги йил совғаси. Илоҳим, ниятингизга етинг!

Шухратжон перинатал марказга етиб келганида шаҳар узра «Салом, Янги йил!» деган қувончли ҳайкириклар эшитиларди. У ҳаяжон билан хушxabарни кута бошлади.

— Султонова Мафтунанинг кими бор?



Муҳаммаджон КОДИРОВ олган сурат.

— Мен, мен! — деди Шухратжон ҳамшира қиз томон ошиқиб. — Табриклайман, қизалоқ туғилди. Уч кило-ю олти юз саксон тўрт грамм. Соппа-со!

Гарчи у оиладаги иккинчи фарзанд бўлса-да, Шухратжон ўзида йўқ шод эди. У бир кучоқ атиргулни ҳамширага тутказди.

— Сизнинг қизингиз 2016 йилда Фарғонада туғилган биринчи чақалоқ бўлди, — деди ҳамшира қувонч билан. Шу пайт гинеколог Орифaxon

Отабоева, доя Дилнозахон Икромова ва яна бир неча оқ халатли туғуруқхона ходимлари чиқишиб, Шухратжонни хозиргина туғилган фарзанди ва Янги йил билан табриклади.

— Бу перинатал марказидан янги йилнинг биринчи чақалоғига аталган совға, — дейишди улар кўнгирак-маймунчани Шухратжонга топширишар экан.

Биз 2016 йил туғуруқни рўйхатга олиш дафтари кўздан кечиришимиз. Мана, ундаги биринчи ёзув:

«2016 йил, 1 январь, соат 00 дан 01 дақиқа ўтганда Мафтуна Султонова қиз туғди...»

— Биринчи фарзандим Сарвиноз уч ёшда, — дейди Шухратжон. — Ўзим тадбиркорлик билан шуғулланаман. Хозиргина телефонда гаплашдим, Мафтуна ҳам ўзини бардам сезаяпти. Соғлом она ва бола йили биз учун ана шундай бахтли бошланди!

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## ДЕПУТАТ БИЛАН СУҲБАТ

### 2016 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН

солиқ соҳасида қандай ўзгаришлар бўлди?

Ўтган 2015 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмагани аҳоли фаровонлиги ошиб бораётганини аниқлатади. Бунда, албатта, мамлакатимиз солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳам муҳим омил бўляпти. Аҳамиятли томони, мазкур йўналишдаги ислохотлар бу йил ҳам изчил давом этиб, қатор солиқ имтиёзлари ва энгилликлари жорий этилади.

Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат бюджетини режалаштиришда солиқ сиёсати алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бу бевосита иқтисодиёт барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу маънода, мамлакатимизнинг жорий йилга мўлжалланган солиқ сиёсатида муҳим ўзгаришлар бўлди. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий



Ислохотлар кўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фарход УМАРОВга муурожаат қилдик.

— Аввало, таъкидлаш кераки, дунёда ҳукм сураётган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятга қарамадан, жорий йилга мўлжалланган солиқ сиёсатида қатор энгилликлар кўзда тутилди, — дейди у. — 2016 йилда олиб бориладиган солиқ сиёсати ўтган йиллардаги каби ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада пасайтиришга, солиққа тортиш тизимини содда-лаштириш ва бу соҳада маъмурий чораларни кучайтириш орқали ҳўжалик юритувчи субъектлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатни рағбатлантиришга хизмат қилади.

▶ Давоми 2-бетда.

Иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари

аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари

7,8  
ФОИЗГА

2016  
ЙИЛДА

9,5  
ФОИЗГА

иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан ошиши кутилмоқда.

15  
ФОИЗГА

## САВОЛ ВА ЖАВОБ

— Президент томонидан 2015 йил 29 декабрда имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутати сўрови тушунчаларига аниқлик киритилибди. Шу ҳақда кенгроқ маълумот берсангиз...

Азамат МЕЛИҚУЛОВ, Чирчиқ шаҳри.

Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



— Сиз айтган Қонун билан мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 12-моддаси янги тахрирда баён этилди. Унга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансabdор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуктаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Қонунчилик палатаси депутати эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансabdор шахсларига, қанда тартиқсизда, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуктаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақлидир. Ҳар икки сўровга ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансabdор шахслари Қонунчилик палатаси Регламентини белгиланган тартибда ва муддатларда (агар сўровда бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, ўн кундан кечиктирмай ёзма равишда) жавоб беради.

## Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...

### Туғуруқ мажмуасининг янги биноси

Олот туманида 50 ўринли туғуруқ мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ, аниқ манзилли дастурга киритилган, лойиҳа-смета қиймати 3 миллиард 254 миллион сўмлик мазкур объект Янги йил байрами арафасида қуриб битказилди. Бу ҳақда «Бухоронома» газетаси хабар бермоқда.

Мажмуада ҳомиладор аёлларда учрайдиган касалликларни даволаш, туғуруқ, реанимация бўлимлари ва чақалоқларни интенсив даволаш хонаси бўлиб, улар замонавий тиббий асбоблар билан таъминланган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси берган маълумотга кўра, кейинги йилларда Инвестиция дастури доирасида Жондор, Пешку ҳамда Қорақўл туманлари тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги туғуруқ мажмуалари ҳам янгидан қурилди ва реконструкция қилинди.

### Ёпиқ сув ҳавзаси

ишга тушди

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2 миллиард 380 миллион сўм маблағи ҳисобидан Бешириқ туман марказида бунёд этилган ёпиқ сув ҳавзаси қисқа муддат — 3 ой ичида қуриб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур сув ҳавзасида бир кунда 120 нафар бола шуғулланиши учун барча шароит яратилган.

Бугунги кунда туманда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар 38 317 нафарни ташкил этади. Шундан 23 265 нафари спорт билан шуғулланади. Спортнинг бокс, кураш, эркин кураш, волейбол, бадий гимнастика, каратэ турлари оммалашган.

Янги спорт мажмуасининг очилиш маросими чинакам байрамга айланди.

### Соғлом она ва бола йилига

муносиб совға

Янги йил байрами арафасида Оқдарё туманидаги 4-мактабга таълим муассасасининг капитал таъмирланган янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси хабар бермоқда.

140 ўринга мўлжалланган икки қаватли замонавий боғча таъмирланишига 343 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бу ерда тарбияланувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ошхона, ётоқхона, тадбирлар ўтказиш зали ва машғулот майдончалари замонавий жиҳозланган.

— Янги йилни болажонларимиз барча қулайликларга эга масканда кутиб олишди, — дейди мазкур муассаса mudiri Тиниқой Тўхтамишова. — Боғчамизга Наврўз, Мустақиллик, Лойиш маҳаллаларидан 130 нафар бола катнайди. Уларга 20 нафарга яқин педагог ва тарбиячи, ишчи-ҳодим хизмат кўрсатмоқда.

## ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 йил давомиди ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ МИНТАҚАВИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЖАМИ 1864 НАФАР ДЕПУТАТ ТОМОНИДАН 3700 ГА ЯҚИН СЎРОВ АМАЛГА ОШИРИЛГАН БЎЛИБ, СЎРОВЛАРНИНГ 2612 ТАСИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ. ҚОЛГАН 1076 ТАСИ БЎЙИЧА ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛДИ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ, НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА 2015 ЙИЛ НОЯБРЬ ВА ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

2015 ЙИЛДА СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИДА 11 МАВЗУДА 9130 МАРОТАБА ТЎРТ БОСКИЧЛИ ТУРКУМ МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИЛДИ. УЛАРДА ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ.

# МУНОСАБАТ

■ 2016 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг иккинчи погонаси бўйича солиқ ставкасини 8,5 фоиздан 7,5 фоизгача, ўрта даражадаги даромадга эга бўлган тўловчилар учун солиқ юки 6,2 фоиздан 5,5 фоизгача камайди.

— Президентимизнинг халқимизга йўлаган Янги йил табригида билдирилган фикрлар ҳар биримизни ўтган йилда эришган ютуқларимизни яна бир марта чуқурроқ таҳлил қилиб, хулоса чиқариб олишга даъват этди.

## Бугунги болаларга ҳавасим келади

Нуриддин ЗОИРОВ,  
Бекобод шаҳар «Сирдарё» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП аъзоси:

Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодий жондорган камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суруятлар билан ривожланиётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир, деди давлатимиз раҳбари.

Бу рақамлар юртимиз йилдан-йилга изчил юксалиб, тараққий этиб, одамларимиз ҳаёти кундан-кун фаровонлашиб бораётганини кўрсатади.

Табрикда катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган азиз фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, соғлом фарзанд тарбияси улғувор мақсадларимиз асосини ташкил этади ва биз бу йўлда

қолгим келди.

Шулар ҳақида ўйлаб ўйга қайтдим. Неварам ҳар кунги мактабдан сўнг машғулотга ошқанда. Буни кўриб, менинг ҳам қувончимга қувонч қўшилади. Келажакимиз, эртаимиздан кўнглим хотиржам бўлади.

2016 йилда давлат бюджетидан илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилда ўзлаштирилган маблағларга нисбатан анча кўпроқ бўлиб, давлат бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этади. Демак, бу йил ёш авлодга қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик кўламини янада ортиради. Фарзандларимиз, невараларимиз учун янги имкониятлар ишга солинади, янада қулай шароитлар яратилади.

«Сирдарё» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Мансур Раҳимов янги йилдаги ишларимизни қисқача баҳолади. «Бизнинг ҳаётимиздаги энг муҳими бу йилдаги ишларимизнинг қисқача баҳолади. «Бизнинг ҳаётимиздаги энг муҳими бу йилдаги ишларимизнинг қисқача баҳолади. «Бизнинг ҳаётимиздаги энг муҳими бу йилдаги ишларимизнинг қисқача баҳолади.

«Сирдарё» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Мансур Раҳимов янги йилдаги ишларимизни қисқача баҳолади. «Бизнинг ҳаётимиздаги энг муҳими бу йилдаги ишларимизнинг қисқача баҳолади.

## Излаган имкон топади

Марям НИЁЗОВА,  
Каттақўрғон туманидаги «Қумуш тола» хусусий корхонаси раҳбари, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Юртбошимизнинг халқимизга Янги йил табригини оила аъзоларимиз даврасида эшитдим. Унда айтилган ҳар бир фикр, келтирилган рақамлардан кўнглим тоғдек қўтарилди.

Мен юртимизда эркин фаолият кўрсатаётган мулкдорлардан бириман. «Қумуш тола» деб номлаган хусусий корхонам фаолияти йил сайин кенгайиб, ишлаб чиқариш кўламини ошириб бораётиб. Айни пайтда 60 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти касб-хунар қол-лежини битирган ғайратли ёшлар.

Президентимизнинг «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган аjoyиб фикрларида чуқур маъно бор. Бу қимматли сўзларнинг исботини ўз ҳаётим, тадбиркорлик фаолиятимдан топаётган бўламан.

Тўғри-да, кегаги кунимиз билан бугунги кунимиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ўз ҳаракатим, ўз маблагим, ўз хошим билан корхонам янгиланди, кенгайди, иш ўринлари кўпайди, экспорт қилишни ҳам ўргандик. Масалан, 2015 йил ҳосили ҳисобидан хорижлик ҳамкорлар-

га 152 минг АҚШ доллари миқдорида ипак толаси экспорт қилинди. Яқинда 17 километрга яқин янги газ қувури тортиб, ишлаб чиқариш кўламини янада яхшиладик. Бўш биноларни сотиб олиб, маҳсулот турини кўпайтиришга, қўшимча иш ўринлари ташкил этишга эришдик. Кўнглимга келган гапни атай, бугун юртимизда излаган имкон топади. Астойдил интилган одамнинг иши, албатта, юришади.

Давлатимиз раҳбари табрикда иқтисодий имкониятнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганлиги, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига рақобатдорлиги ошириб бораётгани ҳақида алоҳида сўз юритди. Бизнинг корхонада ҳам сифатли, рақобатдор, экспорт-боп маҳсулот ишлаб чиқа-

Кўнглимга келган гапни атай, бугун юртимизда излаган имкон топади. Астойдил интилган одамнинг иши, албатта, юришади.

## ДЕПУТАТ БИЛАН СУҲБАТ



## 2016 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДАН СОЛИҚ СОҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛДИ?

Масалан, 2016 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг иккинчи погонаси бўйича солиқ ставкасини 8,5 фоиздан 7,5 фоизгача, ўрта даражадаги даромадга эга бўлган тўловчилар учун солиқ юки 6,2 фоиздан 5,5 фоизгача камайди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизгача пасайди. Бу ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини 55 фоизга етказиш имконини беради.

Умуман олганда, солиқ сиёсати бўйича белгиланган чораларнинг амалга оширилиши натижасида, 2016 йилда солиқ юки 2015 йилдаги ЯИМга нисбатан 19,2 фоиздан 18 фоизга камайиши кутилмоқда.

— Маълумки, шу йилнинг 1 январидан «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қўйилди. Кодексда белгиланган янги нормалар ҳақида тўхталсангиз...

— Қонунга асосан Солиқ кодексига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Солиқ кодексидagi 96-модданинг иккинчи қисми янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисоб варақалари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш тартиби белгиланди. Яъни давлат солиқ хизмати органи солиқ текширувнинг ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўққонлик қилинганда судга мурожаат қилишга ҳақли. Шунингдек, солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаганда, солиқ ҳисоботи ва солиқ ҳисоботи, камерал назорат натижалари бўйича тафсилотларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, солиқ хизмати органи судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ҳужжатда қайд этилишича, солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича қарзи мавжуд бўлмаган тақдирда, қўшилган қиймат солигининг ортқича тўланган суммаси (ушбу Кодекснинг 10-бобига мувофиқ) солиқ тўловчига қайтарилади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг солиқ даври якунларига кўра, ҳисобланган солиқ суммасидан ортқичалиғи сақланиб қолган тақдирда, ушбу ортқича сумма кейинги солиқ даврига, қўшилган қиймат солиғи бўйича эса келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Яна бир муҳим масала шундаки, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этилмаган ҳолда тузилган деҳқон ҳўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Бунда деҳқон ҳўжалигининг бошлиғи суғурта бадалларини мажбурий тартибда, бошқа аъзолари эса, ихтиёрийлик асосида тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон ҳўжалиғи аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Солиқ кодексига яна бошқа бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА суҳбатлашди.

## МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАРКАЗИ

# ЎзХДП электорат билан юзма-юз

ўтказаетган мулоқотлар туфайли жойлардаги муаммоларни чуқурроқ ўрганиш имкони ортмоқда

— Азалдан маҳалла миллий кадрлар, урф-одат ва анъаналар ўчоғидир, — дея гап бошлади у. — Хонадонлардаги тўй-маросимлар ёки кимгадир бирор-бир ёрдам кераклиги ёхуд ким кўмакка, ким этиборга муҳтожлиги, хуллас, ҳаммаси маҳаллага маълум бўлади. Демак, маҳалла ичига кириб бориш, бу институт билан ҳамкорликни янада кучайтириш орқали партияимиз электорат вакиллари ва сайловчиларга яқин бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда, мазкур лойиҳа ишлаб чиқилган эди.

Лойиҳа 2010-2015 йилларга мўлжалланган бўлиб, шу йиллар давомида маҳалла аҳолиси, хусусан, электорат вакиллари ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимини янада ошириш, маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, мутасадди ташкилотларнинг аҳоли билан мулоқотини кенг ташкил қилиш чоралари кўрилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган янги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тарғиботига алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи кексалар турмуш тарзи ўрганилди. Ёлғиз, боқувчисини йўқотган қариялар аниқланиб, уларга ижтимоий кўмак берилди. Айни шу жиҳатлар лойиҳанинг асосини ташкил этди.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, лойиҳа доирасида партияимиз фаоллари, депутатлар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига қадр етиб боришга эришди. Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги тажрибамиз мустаҳкамланди. Одамларни ўйлантираётган муайян ижтимоий масалалар жойида бартараф этилди,



Фароқ АЛИЕВ олган сурат.

кўпчилигининг оғири енгил бўлди. Демак, маълум маънода мақсадимизга етдик.

— Ўзбекистон ХДПнинг бош гоёси кучли ижтимоий ҳимоя масалалари билан боғлиқ. Лойиҳанинг бу йўналишдаги ўзига хослиги нималарда кўринди?

— Лойиҳага кўра, мамлакатимиз бўйлаб аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ масалаларда қўллаб-қувватлаш чоралари, мулоқотлар ўтказилди. Натижада меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш, касаначиликнинг замонавий шакллари ривожлантириш орқали қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни ишга жойлаштириш, умуман, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш масалаларида барча ҳудудлардан тақлифлар олинди.

Шунингдек, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар мутахассислари иштирокида одамларни ўйлантираётган масалаларга жавоб берилди. Қўмақ Жамоатчилиги қабулхоналари ташкил қилиниб, мурожаатларни жойида

ҳал этиш чоралари кўрилди.

Айтиш керакки, мазкур лойиҳани ўтказиш жараёнида бошланғич партия ташкилотлари имкониятларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинди. Тадбирлар давомида маҳаллий ҳокимликларнинг қурилиш ҳамда коммунал масалалари бўйича маъсул раҳбарлари, бандлик, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари, солиқ инспекцияси, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъуллари аҳоли вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришди. Ўз ишини бошлаш истистада бўлганларга кўмаклашилди. Пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг қонунчиликка мувофиқ равишда манзилли тўланиши бўйича жамоатчилик назорати кучайтирилди.

— Лойиҳа доирасида ижтимоий масалалар бўйича қўллаб-қувватлаш чоралари ўрганилди. Ҳўш, бугун айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолини қандай масалалар кўпроқ ўйлантирапти? Уларга ечим топиш учун партия ташкилотлари, депутатлар томонидан қандай чоралар кўрилди?

Аҳоли ижтимоий масалалар юзасидан маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари 18 мингга яқин тақлиф, мулоҳаза билдирди. Уларнинг аксарияти маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилди. Шунингдек, фуқаролардан тушган мурожаатлар юзасидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига 200 га яқин масала киритилди.

— 2010-2015 йилларда лойиҳа давомида 5 мингга яқин учрашув, мулоқот ва давра суҳбати ташкил этилди. Аҳоли ижтимоий масалалар юзасидан маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари 18 мингга яқин тақлиф, мулоҳаза билдирди. Уларнинг аксарияти маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилди. Шунингдек, фуқаролардан тушган мурожаатлар юзасидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига 200 га яқин масала киритилди.

Айтиш керакки, лойиҳа доирасидаги тадбирларда депутатлар томонидан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун, «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорлар, шунингдек, «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини иж-

тимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг ижросига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Лойиҳа доирасида ташкил этилган кўча Жамоатчилиги қабулхоналарига ички йўллари таъмирлаш, мактабга таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги камчиликларни бартараф этиш каби масалаларда мурожаатлар бўлди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Шунингдек, мурожаатлар асосида касб-хунар коллежларининг 5 минг нафарга яқин битирувчиси ва хотин-қизларнинг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар натижасида жойлардаги муаммолардан яқиндан хабардор бўлдик. Бу келгусида кўпроқ амалий ишлар, ҳаётий масалалар билан шуғулланишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

# МУНОСАБАТ

■ 2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

## ХАБАРЛАР

Самарқанд вилоят адлия бошқармасида «Ягона дарча» марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатишни янада тақомиллаштириш мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари ходимлари, манфаатдор ташкилотлар мутасаддилари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Бу ҳақда Самарқанд вилояти адлия бошқармаси расмий веб-сайти хабар бермоқда.

## «Ягона дарча»

марказлари иш бошлади

Президентимизнинг Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш тўғрисидаги фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказлар 2016 йилнинг 1 январидан ўз фаолиятини бошлади.



Семинарда таъкидланганидек, бугунги кунда Самарқанд вилоятида ҳам 16 «Ягона дарча» марказлари ташкил этилди.

Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бир қатор манфаатдор идоралар томонидан ҳуқуқий-мезърий база яратилди. «Ягона дарча» марказлари самарали хизмат кўрсатиши учун тегишли тартибда жиҳозланди, керакли мутахассислар билан таъминланди. Эндиликда бир қатор давлат хизматлари фақат «Ягона дарча» марказлари орқали амалга оширилиши тадбиркорлар ортқча овозгарчилигининг олдини олиб, вақтни тежаш имкониятини беради.

## «Касаба

уюшмалари — ҳарбийларга»

акцияси бўлиб ўтмоқда

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан Ватан ҳимоячилари кўни байрамига бағишлаб «Таянчим ва сунъим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати хабар бермоқда.

Хусусан, «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси дастуридан хизмат бурчини адо этиш вақтида ҳалок бўлган 270 нафар ҳарбий хизматчилар оилаларига манзилли моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фарзандларига янги йил совғалари тақдим этиш, ҳарбий аёлларни рағбатлантириш, ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий учрашувлар ташкил этиш каби тадбирлар ўрин олган.

# ЯНГИ ОРЗУЛАР ВА ҲАЁТИЙ МАРРАЛАР

Одамларни қизиқтирган муҳим масалалардан бири янги йилда бизни нималар кутаётганини эшитиш эди. Президент, аввало, бутун дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётгани, дунё бозорига вазият ноаниқ бўлиб қолаётгани, турли таҳдидлар тобора кучайиб, жаҳондаги кўпгина давлатлар бошига катта бир савдо бўлиб, шу жумладан, бизнинг елкамизга ҳам тушганини кўриш, кузатиш қийин эмаслигини ўқитиб ўтди. Лекин ана шундай вазиятга қарамадан, дейилади табриқда, бизнинг прогноз ва ҳисоб-китобимиз шунга кўрсатадики, кириб келаётган 2016 йилда иқтисодий-ётишимнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда.

**Бу рақамлар нимани билдиради?** Демак, Ўзбекистонимиз иқтисодиёти мустақамланиб, ривожланган давлатлар қаторига кўтарилиши учун яна бир қадам ташланади. Шунинг ҳисобидан аҳоли даромади ошиб, турмуши янада фаровонлашади.

Табриқда яна бир рақам алоҳида келтирилди. 2016 йилда ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар давлат бюджети умумий харажатларининг 59,2 фоизини ташкил этади.

**Бу нима дегани?** Оддийроқ қилиб айтишда бўлса, болалар боғчалари, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрталари моддий-техник базаси янада мустақамланади. Тиббиёт, маданият ва спорт соҳасида янги имкониятлар яратилади. Буларнинг ҳаммаси, аввало, халқимиз бахту саодати учун қилинапти. Соғлом она, соғлом бола ва соғлом авлодни тарбиялаш, буюк ишларга қодир соғлом миллатни шакллантириш учун қилинапти.

Президентимиз табриқда халқимиз кўнглини кўтариб, ғурурини оширадиган, эртанги

◀ Давоми. Бошланғич 1-бета.



кунга ишончини янада мустақамлайдиган қатор бунёдкорликлар ҳам қайд этиб ўтилди. Улардан айримларига эътибор қаратайлик: 2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион АҚШ доллари бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга топширилади.

**Улар қандай объектлар, кўлами, қудрати қандай?** Мана, диққат билан қаранг: Толимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегаватт бўлган иккита буғ-газ турбинаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 мегаватт қувватга эга бўлган энергия блоки, Олмалик кон-металлургия комбинатида 70 минг тонна мис ишлаб чиқарадиган металл эриштиш корхонаси...

**Ўзимизга бир савол бериб, фикрлаб кўрайлик: Бу корхоналар ишга туша, мамлакат, одамлар қандай манфаат кўради?**

Табиийки, юртимиз иқтисодий қуввати янада ошадиган, мингмиглаб янги иш ўринлари очилади, одамлар ишли бўлади, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланади...

Яна учта мисолни келтирсак, янги йилда бизни қандай муҳим, қувончли, ёруғ воқеалар кутаётганига иқдор бўлаемиз.



**Биринчиси** — Қамчиқ довонини кесиб ўтадиган 19 километрик туннель қурилиши якунланиб, Фарғона водийсини бутун Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл ишга тушади. Бу тарихий воқеа бўлади. Биринчи навбатда одамлар узоғини яқин қилади, довон орқали қатнов қишин-ёзин йўлга қўйилади, йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланади. Янги иш ўринлари яратилади. Бугун хизмат юзасидан ёки тижорат ишлари билан довондан ошиб ўтаётган энгил машиналар қатнови маълум даражада камайдиган, демак, газ ва нефть маҳсулотлари иқтисод қилинади...

**Иккинчиси** — «Тошкент — Самарқанд» тезорар темир йўл қатнови Бухорога етиб боради. Бухороликлар орзуси ушалади. Йўловчиларга ва сайёҳларга қўлайлик яратилади. Энг асосийси, вақт тежаланади. Маданиятчи транспорт хизмати йўлга қўйилади. Бу ўз навбатида одамлар руҳиятига, дунёқарашига ҳам таъсир этади, уларнинг ҳаётга муносабатини ўзгартиради...

**Учинчиси** — «Женерал моторс — Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» моделидаги энгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошланади. Янги моделдаги автомобиль ишлаб чиқаришнинг

йўлга қўйилиши Ўзбекистон автосаноати изчил ривожланиб, тақомиллашиб бораётганини билдиради. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Асакада энгил автомобил ишлаб чиқара бошлаганимиз деб уйлашганда, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқараётган санокли давлатлар қаторидан мустақам ўрин олди. Жорий йил режасида янги автомобиль ишлаб чиқарилиши автосаноат соҳасидаги тараққиётнинг янги босқичини бошлаб беради, жаҳон бозорига янада рақобатбардош автомобиллар етказиб беришга имкон яратилади.

Бу ишлар бир томондан, мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиради, иккинчи томондан, халқимиз ғурурини оширади, нималарга қодирлигини яна бир бор намоён этади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керак, бу режаларнинг ҳар бири кеча бизга афсона эди, мисоли эртан эди. Бугун эса буларнинг барчаси ҳаётий, асосли орзу ниятларга айланди. Бироқ орзу-хавас билан иш битмайди, албатта, янги йил келиши билан мўъжиза рўй бериб, бу ишлар ўз-ўзи-

дан бажарилиб қолмайди. Мўъжизани одамлар яратади. Асрларга таътигулик бу бунёдкорликлар, аввало, катта ақлидор, ирода, жасорат ва маънатни, триллион-триллион маблағни талаб этади. Бунга халқимиз салоҳияти, тажрибаси, давлатимиз куч-қудрати етарли, албатта. Мустақиллик йилларида амалга оширилган беқиёс бунёдкорликлар буни тасдиқлаб турибди.

Халқда шундай ҳикматли гап бор: Янги йил қандай бошланса, шундай давом этади. Янги — 2016 йилни биз яхши ниятлар билан Соғлом она ва бола йили, деб атадик. Мамлакатимиз Президенти барчамизга самимий дил сўзларини изҳор этди. Юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини тилади.

Янги йилнинг ўзига хос яна бир қувончли, шарафли, ифтихорли жиҳати борки, бу ҳар биримизга ҳар қачонгидан ҳам катта масъулият юклайди. **Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик қўлтуғунини нишонланади.** Шунинг учун ҳам 2016 йилнинг режалари улкан, юки залворли, масъулияти ҳам шунга яраша. Президентимиз ўз табриқда 2016 йилимиз 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, хосиятли ва самарали бўлишига тўлиқ асосларимиз бор, деди.

**Хосият ва самара нимага боғлиқ?** Агарки, юртда ҳалоллик, поклик, аҳиллик, меҳр-оқибат ва албатта тинчлик бўлса, одамларнинг нияти ёруғ, улуғ бўлса, гайрати-шижоати баланд бўлса, хосият ҳам, самара ҳам, барака ҳам бўлади.

Бу ҳаёт ҳақиқатини ўтган йиллар давомида кўп бор кўрдик, билдик. Нимагаки эришган бўлсак, халқимизнинг айнан ана шундай юксак фазилятлари, юртимиздаги тинчлик-аҳиллик туфайли эришдик. Демак, янги йилда янада баланд марраларни эгаллашимиз, бахтли-саодатли бўлишимизга асос ҳам, ишонч ҳам етарли.

Сафар ОСТОНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



## ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Хитой парламенти томонидан қабул қилинган янги қонунга биноан бир оила икки фарзандли бўлишига рухсат этилди. Хитой Компартияси Марказий кенгашининг 2015 йил октябрь ойида бўлиб ўтган пленумида «бир оилага — бир фарзанд» сиёсати юмшатилишини назарда тутувчи қарордан кейин ишлаб чиқилган мазкур қонун бугундан эътиборан кучга киради, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.



«Бир оилага — бир фарзанд» сиёсати 36 йил амалда бўлди. Мақсад аҳоли сони кўпайишини «тизгинлаш» ва 2000 йилга аҳоли 1,2 миллиард кишидан ошмаслигини таъминлаш эди. Вазифа бажарилди. Бироқ натижа... Жинслар нотенглиги юзага келди. Айни пайтда мамлакатда эркаклар аёлларга қараганда 20 миллионга кўп. 2020 йилга бориб, бу рақам 24 миллионга етиши мумкин. Эркакларнинг кўпайиб кетишига сабаб, оилаларда авлод давомчиси сифатида ўғил бола туғилишига эътибор қаратилганидир.

Бундан ташқари, «бир оилага — бир фарзанд» сиёсати туфайли мамлакатда меҳнатга яроқли аҳоли камаё бошлади. Янги қонун эса бунинг олдини олади: 2050 йилга бориб, меҳнатга яроқли аҳоли 30 миллион кишига кўпаяди. Аҳолининг умумий сони эса 2029 йилда 1,45 миллиард кишига етади.

## УРУГВАЙ ВА ПАРАГВАЙДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Метеорологларнинг фикрича, Тинч океанининг экватор қисмида сув ҳароратининг кўтарилишидан юзага келадиган Эл-Ниньо илиқ ҳаво оқими шарқий қисмдаги совуқ ҳаво билан шамол орқали аралашуви кучли жала ёғишига сабаб бўлган.

Австралиянинг шимолий ҳудудида ҳам муссон ёғинлари Дэйли дарёсини ўзанидан тошириб юборди. Натижада сув тошқинлари юз бериб, барча ҳудудларга тарқаб кетган тимсоҳлар одамлар ҳаётига хавф солмоқда. Шу боис одамлар оммавий равишда хавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда ва тимсоҳлардан эҳтиёт бўлишга чақирилмоқда.

«Reuters» ахборот агентлиги хабар беришича эса, ноқулай об-ҳаво — буронли тўзон, жала ва қуюнлар натижасида Американинг Нью-Мексико, Техас, Оклахома, Иллинойс, Миссисипи, Теннесси, Луизиана, Арканзас ва Алабама штатларида 43 киши ҳалок бўлди.

Техасда қуюнлар авж олган бўлса, Оклахомада кучли жала кузатилди, Нью-Мексикода эса қор бўрони шунчалар кучайдики, оқибатда 178 та йўл-транспорт ҳодисасида 58 киши жабр кўрди. Қуюнлар Техасдан аввал Миссисипи, Теннесси, Арканзас ва Алабама ҳудудларида юз берди ва 18 нафар одамнинг умрига зомин бўлди, 60 киши турли даражада тан жароҳати олди, 800 уй қўнпакун бўлди.

Кучли ёғингарчилик Буюк Британиянинг ғарбий ва шимолий ҳудудларида ҳам кузатилмоқда. Юзага келган тошқинлар келгузи ҳафтадан пасайиши ва сув сатҳи тушиши кутилмоқда.

## ҚУТЛОВ



**«Туронбанк» АТБ жамоаси халқимизни 2016 йил билан муборакбод этади.**

**Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.**

**Тинчлик, соғлиқ ва саодатли кунлар бизни ҳеч қачон тарк этмасин!**

**Сиз билан 25 йил**

*Хизматлар лицензияланган.*

# ЙИЛ САРҲИСОБИ

■ Санъаткорнинг бош вазифаси одамларни яхшиликка, эзгуликка чорлаш, уларнинг қалбида улуг мақсадларни камол топтириш.

## ХАБАРЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

## Маданият ва дам олиш маркази шовотликларга янги йил тўғрисида бўлди

Шовот туманидаги Киёт қишлоғида фаолият бошлаган «Киёт» маданият ва аҳоли дам олиш маркази одамлар билан гавжум. Бугунги кунда мазкур марказда ташкил этилган рубоб, доира, ракс, инглиз тили, тасвирий санъат, тикувчилик ҳамда спорт тўғрисидаги нафақат қишлоқ, балки ён-атрофдаги қишлоқлардан ҳам болалар қатнамоқда. Бундан уларнинг оналарини жуда мамнун. Шунингдек, 200 ўринга мўлжалланган муҳташам томошалар залида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш мўлжалланган.

## Мурувват уйда байрам тадбири

Сариосиё туманидаги ногирон аёллар Мурувват уйда бугунги кунда 194 нафар бемор истиқомат қилади.

Янги йил байрами арафасида Сариосиё туманидаги «Н» ҳарбий қисм томонидан Мурувват уйда байрам тадбири ўтказилди. Бу ҳақда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг матбуот хизмати хабар бермоқда.

Аввал аскарлар томонидан Мурувват уйи ҳудудида ҳашар уюштирилди. Дов-дархатлар буталаб, янги ниҳоллар ўтказилди. Шундан сўнг бошланган байрам тадбири, унда янграган куй-қушиқлар барчани бирдай қувонтирди. Дастурхон тузалди. Ҳар бир беморга совғалар топширилди.

## «Электрон-дўкон» дастури ишлаб чиқилди

Тошкент ахборот технологиялари университети олимлари «Электрон-дўкон» дастурини ишлаб чиқди. Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати берган маълумотга кўра, дастур дўкондаги товарларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш, рўйхатдан ўтган товарлар ҳақидаги маълумотларни онлайн тартибда узатиш ҳамда республика савдо тармоқлари соҳасида қўллашга мўлжалланган.

Шунингдек, мазкур дастур дўкондаги товарлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва узатиш имкониятига эга. Дастур ахборот қидируви алгоритмлари асосида тузилган.

Муаллифлар — Баҳодир Мўминов, Жонибек Тожиев, Озод Ражабов ва Орифжон Хайдаровга ушбу дастур учун № DGU 03332 рақамли гувоҳнома берилди.

# Янги йилнинг икки саволи

2015 йил ҳақида қандай фикрдасиз? 2016 йилдан нималарни кутаяпсиз?

Аскарали СУЛАЙМОНОВ, Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ходими, педагогика фанлари номзоди:



— 2015 йилда эришган энг қувончли ютуқларимиздан бири — институтнинг 12 нафар олими билан 2012-2016 йилларга мўлжалланган «Болажон» таянч дастурининг тасвирий санъат йўналиши бўйича иш олиб бордик ва ушбу лойиҳа бўйича «Табиатни эстетик идрок этиш», «Мактабгача таълим муассасаларида аппликация машғулоти» қўлланмаларини тайёрлаб, республика таълим муассасаларига тарқатдик.

Бундан ташқари, «Шарқ миниатюра санъати воситасида бадиий-эстетик таълим беришнинг педагогик асослари» мавзусидаги докторлик диссертациямни ёзиб тугатдим.

Ўтган йиллар мобайнида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан молиялаштирилган бир нечта лойиҳа асосида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари якунига кўра, бадиий эстетик йўналиш бўйича мактабдан ташқари таълим мазмун ва методикасини ишлаб чиқишнинг дидактик асослари ҳалқ таълими муассасалари фаолиятига татбиқ этилди.

Янги йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари учун тасвирий санъат, чизмачилик ва мусиқа маданияти ўқув фанини ривожлантиришда инновацион-педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича янги лойиҳа устида иш бошладик.

Самандар АЛИМОВ, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри опера солисти:



— 2015 йил менинг ҳаётимда унутилмас йил бўлди. Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида Президентимиз фармони билан «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» унвонига сазовор бўлдим.

Албатта, бу каби ютуқларни қўлга киритишда театр жамоасининг муносиб ҳиссаси бор. Ўтган 2015 йил театримиз тарихида ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди. Театримизнинг биноси тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилди. Айниқса, Япония Бош вазирининг театримизга ташрифи, бу ерда санъаткорлар билан учрашиши муҳим воқеа бўлди. Яратилган шарт-шароитларга юқори баҳо берди.

Мен шу театрда қарийб 15 йилдан буён фаолият олиб бораман. Мазкур даргоҳ мени элга танитди. Биринчи марта композитор Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг

иши» операсида Чўпон образини ижро этганман. Шу ролим маъқул бўлиб, мени ишга олишган.

Ҳозиргача ўндан ортиқ бош рол, эллика яқин катта-кичик персонаж яратдим. Кўплаб халқаро фестивалларда иштирок этдим.

Санъаткорнинг бош вазифаси одамларни яхшиликка, эзгуликка чорлаш, уларнинг қалбида улуг мақсадларни камол топтириш. Шу маънода 2016 йилда театримиз олдида ҳам, менинг зиммамда ҳам катта масъулият турибди. Қолаверса, театримиз фаолияти учун янги давр бошланди. Шу боис бизга билдирилган ишончга муносиб бўлиш, санъаткор сифатида халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган сара санъат намуналарини яратиш асосий мақсадимиздир.

Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.

## БУНЁДҚОРЛИК

# Замонавий автошоҳбекат

Андижон шаҳрида «Гавс» масъулияти чекланган жамияти томонидан қуриб битказилган автошоҳбекатнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Автошоҳбекатдан Асака, Бўз, Балқичи, Марҳамат, Шаҳрихон ва бошқа туманларга қатнови йўлга қўйил-

ган турли русумдаги 283 автомобиль ва автобус кунга ўн мингдан зиёд йўловчига хизмат кўрсатади, — дейди «Нуроний» жамғармаси Андижон шаҳар бўлими раиси Тўраҳўжа Раҳматзонов. — Бу юртимиздаги ободлик, фаровонлик белгиси. Халқимиз ҳаёти юксалаётганидан яна бир мисол.

— Бу ерда эллиқдан ортиқ янги иш ўрни яратилди, — дейди «Гавс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Соҳибжон Низомов. — Бизнинг ниятимиз вилоятимиз аҳли ва меҳмонларига намунали транспорт хизмати кўрсатишдир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ҚУТЛОВЛАР

**ИПОТЕКА БАНК**

**“Ипотека-банк” жамоаси**

барча юртдошларимизни Янги йил билан табриқлайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик, хотиржамлик тилаймиз.

Янги йил барчангизга бахт, омад ҳамда қувонч олиб келсин!

Хизматлар лицензияланган.

**ХАЛҚ БАНКИ**

**СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИДА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗ ТЎЛА РЎЁБГА ЧИҚИБ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЯНАДА ОШИШИГА ТИЛАҚДОШМИЗ!**

Хизматлар лицензияланган.

**МУАССИС:**

ЎЗБЕКISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona — 233-65-45**

**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**

**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida» 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 152 17265 nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 20.30 Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 4 5 6